Қишлоқ ҳақиқати

قیشلاق حقیقتی


1993 йил 15 июль
ПАЙШАНБА
№ 81 (5.523).
НАРХИ 10 СЎМ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЛКАМИЗ НЕЪМАТИ—ЭЛ ДАСТУРХОНИГА







Ҳур Ўзбекистонимиз тупроғи зар. Саҳий қуёш нуридан шарбатга тўлган сархил меваларининг таърифи етти иқлимга таралган. Жаннатмакон боғларининг таърифу тавсифини ўринлатишга сўз ожиз. Шубҳасиз мамлакатнинг энг катта бойлиги унинг фидокор кишиларидир. Ўзбек деҳқони садоқатда ягона. Камтар, камсуқум, Ватанга бўлган муҳаббатини амалий фаолияти орқали кўрсатаётган боғбону соҳибкорлар ҳар қандай шароитда ҳам ишининг қаловини топишмоқда. Эл дастурхонига йил сайин кўплаб ширин-шарбат неъматлар тортиқ этишмоқда.

Саратоннинг ҳар дами олтинга тенг бўлган шу кунларида боғларда, узумзорларда иш ҳар қачонгидан қизғин. Ҳосил йиғим-терими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Нақшин олмалар, ранго-ранг узумлар ҳамда турфа сабзавотлар пешма-пеш эл дастурхонига етказиб берилаяпти. Суратларда акс эттирилганидек, Янгиқўрғон, Тошкент, Қибрай туманларининг ноз-неъмат бунёдкорлари кунига тонна-тонналаб дала ва боғ неъматларини жўнатишмоқда.

Қувончлиси шуки, Ўзбекистон Президентининг ҳаётбахш фармони шарофати билан томорқаларда ҳам кўплаб маҳсулотлар етиштирилмоқда. Қишлоқ кишилари ўзларидан ортганини қабул пунктларига топширишаяпти. Бу оила иқтисодини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ёз ойи бизда ҳамиша тўкин-сочин бўлади. Бу бободеҳқон саховатидан, садоқатидан! Мустақиллик шарофати туфайли эндиликда жуда кўп хўжаликларда омборхоналар, музхоналар, қайта ишлаш корхоналари бунёд этилди ва этилаётир. Мақсад халқимизни йил бўйи керакли неъматлар билан етарли миқдорда таъминлаш. Сўзнда устивор, асл фидокор одамларимиз бор экан, мақсадга албатта эришилади.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

БАРАКАЛИ ҲОСИЛ

Пискент туманидаги «Дўстлик» давлат хўжалиги соҳибкорларининг қувончи чексиз. 30 гектар ерда барпо этилган боғдан бу йил баракали ҳосил олинмоқда. Истеъмолчиларга тортиқ этилаётган ўрик, шафтоли сингари неъматлар ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради.

— Одамларимизнинг баҳоси йўқ, — дейди хўжалик раҳбари Ҳазратилла Нуров. — Бундан уч-тўрт йил муқаддам нуронийлар халқ севиб истеъмол қиладиган мевали дарахтларни кўпайтириш хусусида таклиф киритишганди. Биз хайрли ташаббусни қўллаб-қувватладик. Мана ҳозирги кунда унинг самарасини кўриб турибмиз. Бу йил жами 30 тонна шафтоли, 20 тоннадан ортиқ олма, 22 тонна олча ва бошқа боғ маҳсулотлари тортиқ этилади.

Ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда Мамат Муродов, Ҳўжамурод Маҳмудов, Зикрилла Бойназаров, Дилфуза Муллахўжаева, Бувиниса Эргашева каби ишчилар фаоллик кўрсатишмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бу йил хўжаликда яна 2 гектар янги боғ бунёд этилади. Мақсад ёнғоқ, нок каби тотли неъматларни кўпайтириш.

У. МУҲАМЕДОВ.

БАНДИХОН УЗУМИ

Шу кунларда Бандихон туманидаги «Дўстлик» ширкат уюшмаси боғларига файз таралган. Ҳосилини кўтаролмай шохлари ерга эгилган мевали дарахтлар кўзни қувнатади. Уста соҳибкорлар ҳақида гап кетганида Мамаюсуф Хайдаров номи биринчилар қаторида тилга олинади. Боиси бу фидокор токларни яхши парваришлаб, мўл узум етиштиришнинг ҳаддисини олган.

Яхши кайфият билан узум узишга киришилганига бир ҳафта бўлди. Дастлабки куни 6 тонна сархил неъмат йиғиштирилди. Эшонқул Олланазаров, Ҳолтўра Мисиров каби зарбдорлар кунлик маромни бир ярим ҳисса адо этиб, мусобақага қизғин тус беришаяпти.

Ширкат раҳбарлари саховатли боғларда, экинзорларда сидқидил тер тўкаётган кишиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган усуллари кенг жорий этилмоқда. Шу туфайли натижалар кун сайин юксалаяпти. М. Хайдаров бошлиқ звено кунига 2,5—3 тонна сифатли узум тортиқ этмоқда.

Н. ХУДОЁРОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

13 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро уюшмасининг президенти А. Вольскийни қабул қилди.

Президент И. Каримов, бу уюшма билан ҳамкорлик қилиш жумҳуриятимиз саноатчилари ва ишбилармонларининг халқаро майдонга чиқишига катта имконият яратади. Чунки дастлаб Россия Федерацияси доирасида ташкил топган ассоциация ўзининг аниқ, истиқболли режалари билан халқаро миқёсга кўтарила олди, деди.

А. Вольский эса Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга юксак баҳо берди. Ўзи раҳбарлик қилаётган халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилишига умид билдирди.

Жумҳуриятимиз Президенти ва меҳмон журналистлар билан бўлган учрашувдан сўнг ўзаро суҳбатда бўлдилар.

(ЎзА).

ИҚТИСОДИЁТ СИЁСИЙ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲОЛИ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов билан саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро уюшмасининг президенти А. Вольский 13 июль куни оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашдилар.

Ўзбекистон раҳбари йирик саноат корхоналари, концернлар раҳбарларини бирлаштириб, хўжалик алоқаларини қайта тиклашга ва мустаҳкамлашга кўмаклашаётган бу уюшма фаолиятини кўпдан буён кузатаётганлигини айтди.

Ислом Каримов уюшма ўзаро алоқаларни ривожлантиришни асосий вазифа деб билаётганлигини алоҳида таъкидлади. Бу — ўзаро манфаатли муносабатларга олиб борадиган бирдан-бир маърифий йўлдир.

Аркадий Вольский журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, уларнинг эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг беш принципига қаратди. Олға сурилган дастур фақат қаётий бўлиб қолмай, катта давлатнинг бозор муносабатларига оғир асоратсиз ўтишига кафолат беради, деди у. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотда сиёсат иқтисодиёт устидан ҳукмронлик қилмаётганлиги, айниқса муҳимдир, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар устидан Собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларидаги каби зўравонлик йўқ.

Аркадий Вольский Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига борди, республиканинг катта саноат корхоналари раҳбарлари ва ишбилармонлари билан учрашди. Бу учрашувда нима ҳақда гап борди?

Миллий ахборот агентлиги мухбири Л. Левиннинг бу саволига саноатчи ва ишбилармонлар халқаро уюшмасининг президенти бундай жавоб қилди: «Ўзбекистонликларга ҳавасим келади. Уларнинг турмуши барқарор ва кутилмаган воқеалар йўқ. Россияликлар ҳақида бундай деб бўлмайди. Сизнинг республикангиз собиқ Иттифоқ худудидаги энг осойишта давлатдир. Бу ерда кўпгина муаммолар мавжудлиги ҳам тушунарли. Шу боис мен 'Россия билан Ўзбекистондаги чинакам маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида ишончли алоқани йўлга қўйиш учун бу ерга келдим. Мисол учун олганда, Тошкент авиасозлари олдида турган мураккаб масалалар Украина, Молдова ва Россиядаги масалаларга ўхшашдир... руҳсатномалар, ижозатномалар, божхоналар — булар беҳуда нарсалар. Улар мавжуд экан, иқтисодиётни ривожлантириш, қийинчиликларни бартараф этиш мумкин эмас. Ўзбекистон раҳбарияти бу муаммоларга катта эътибор бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз Тошкентда ҳеч қандай ҳужжатни имзолаганимиз йўқ. Бу ерга келишимдан мақсад бошқача — ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйишдан иборат. Чунки биз собиқ Иттифоқдаги деярли барча минтақалар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини ҳимоя қиламиз. Хуллас, Ўзбекистонга сафаримиз самаралигина эмас, кўп жиҳатдан ибратли ҳам бўлди».

Табиийки, журналистларни республикалар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб масаласи ҳам қизиқтирмай қолмади. Чунки, бу — ҳозирги энг ўткир муаммолардан биридир. Ислом Каримов лўнда қилиб: «Бундай вазият давом этиши мумкин эмас, бирор томоннинг зўравонлигига йўл қўйиб бўлмайди», деди.

Аркадий Вольскийнинг фикри эса бундай: «Сиёсат иқтисодиётдан устун туриши мумкин эмас ва устун бўла олмайди ҳам. Афсуски, Россиянинг ўзида сиёсат устунлик қилмоқда. Миллионлаб одамлар ишлаётган минглаб корхоналарни тўхтатиб қўйиш мумкин эмас! Бу аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли — маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Айни шу чора мавжуд тўсиқларни бартараф эта олади».

И. Каримов билан А. Вольский оммавий ахборот воситалари вакилларининг бошқа саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

Журналистлар билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари А. Возненко, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. Саидқосимов иштирок этдилар.

(ЎзА).

БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛГАНДА

Тошкент районидаги «Ҳасанбой» жамоа хўжалиги бир вақтлар ўрта ҳол хўжаликлардан ҳисобланарди. Ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган мутахассисларнинг тажрибасизлиги, эскича иш услуби туфайли муайян вақт мобайнида барча соҳа бирдек ривожланмади. Иқтисодчи, одамлар билан ишлашда бой тажриба тўплаган Тўлқин Алимов бошқарув раиси этиб тайинланганидан кейин инсон омилига, ерга муносабат тубдан ўзгарди. Ижара пудрати кенг жорий этилди. Мутахассислар, тажрибакорлар юксак қадрланиб, уларнинг унумли ишлашлари учун шарт яратилди. Вақт ўтиши билан бу ерда соғлом муҳит юзага келди. Одамлар яхши ишлаш билан бирга янги-янги ташаббусларнинг бошловчилари бўлишди.

Хўжаликда аҳоли сони ортиб бормоқда. Бозор ҳар қарич ердан, имкониятдан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда. Пудрат ўз афзалликларини намоён этаяпти. Деҳқонлар унинг аввало тарбиявий аҳамиятини алоҳида таъкидлашади. Бир вақтлар яхши ишлаган ҳам, ёмон ишлаган ҳам деярли бир хил маош оларди. Кўпчиликда ишонч, иштиёқ сезилмасди. Маҳсулотни вақтида йиғиштириш, сифатли қилиб истеъмолчиларга тортиқ этиш, сақлаш ҳақида лозим даражада жон қойитилмасди. Илғор усул шарофати туфайли барча пировард натижа учун ўзини масъул деб билмоқда. Бу йил илғорлар тажрибаси, фан ютуқларидан унумли фойдаланган асл деҳқонлар 500 гектар ерда сабзавот ва картошкадан яхши ҳосил етиштирдилар. Неъматлар ўзининг сифатлилиги билан кўпчиликни қувонтирмоқда. Шу кунгача эл дастурхонига 118 тонна карам, 110 тонна пиёз, 60 тонна сабзи, 22 тонна саримсоқ, 2 тонна бодринг тортиқ этилди.

Саховатли боғларда ҳам иш қизғин. Шафтолизорлар кўзни қувнатади. Бу неъматнинг энг яхши навлари шу ерда. Ҳосил кутилганидан зиёда. Боғбонлар ишини синчиклаб кузатар эканмиз, улар маҳсулот сифатига алоҳида эътибор беришаётганлигига ишонч қилдик. Бу тушунарли. Маҳсулотлар қанчалик сархил бўлса, даромад шунча юқори. Бошқарув раисининг таъкидлашича, шу кунгача давлатга 5.200 килограмм шафтоли топширилди. Боғлар болга тўлди, ҳосил ғарқ пишди. Бир ҳафта ичида жуда кўп шафтоли топшириш кутилмоқда.

Сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришда механизаторларнинг ҳиссаси катта. Қирқ икки йилдан буён жамоада ҳалол меҳнат қилиб келаётган Юсуф Ғуломов уларнинг бири. Техника ихлосманди тадбирларни ҳамиша сифатли бажаради. Мана неча йилдирки, унинг трактори жорий ремонтсиз ишламоқда. Юсуф ака кўплаб лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Уларнинг айримлари ҳозирги кунда ўзи билан басма-басига ишлашмоқда.

— Пудрат шарофати туфайли деҳқонларимиз мўлмай даромад олишмоқда, — дейди механизатор Юсуф Ғуломов. — Хоснятли касбни эъзозлаб ўзим ҳам кам бўлмадим. Икки ўғлим шу колхозда ҳайдовчи. Ноз-неъматни ташишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Президент фармонлари туфайли томорқада мўл ноз-неъмат етиштириб оила иқтисодини мустаҳкамлаяпмиз. Буларнинг ҳаммаси бозор қийинчиликларини енгиш имконини бермоқда.

Хўжаликда 9 та дала шийпони бор. Аксарияти деҳқон ҳомгоҳига айлантирилган. Тушликда иссиқ овқат, чой тайёрланаяпти. Эришилаётган натижалар шу ерда муҳокама этилиб, ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланаяпти. Инсон ўз ишидан кўнгли тўлса,ёниб, жўшиб меҳнат қилса, албатта қўзланган натижага эришади. Мазкур жамоа хўжалиги аъзолари ҳосилдорликни ошириб белгиланган режани ҳамиша ошириб адо этишмоқда. Саримсоқ, резавор, сабзидан баракали хирмон кўтарилмоқда.

Тоштемир Раҳмонбердиев ҳақида бошқарув раиси илиқ гапларни айтди. У саркорлик қилаётганига ўттиз бир йилдан ошибди. Ана шу вақт ичида қатор қолоқ жамоаларни илғорлар сафига олиб чиқди, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан қимматли таклифларини илгари сурди.

Унинг етакчилигидаги жамоа 75 гектар ерда деҳқончилик қилаяпти. 62 гектарига картошка, сабзавот экинлари экилган. Меҳнатсеварлар чорва озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам муносиб улуш қўшишмоқда. 5 гектар ердаги маккажўхори яхши ривожланмоқда. Ниятлари ҳар гектар ердан 350 центнердан силос учун кўкпоя йиғиштириб олиш. 5 гектардаги бедазордан ҳам кўзлангандан кўп емиш олинмоқда. Илғор бригада давлатга топширган 72 тонна сархил сабзавот барчага маъқул бўлди.

Ҳар бир жамоанинг ўз фидойилари бўлади. Бу ерда ҳам ишнинг оғирини елкасига олиб, сўз ва шахсий ибрати билан бошқаларни олға ундаётганлар кўп. 25—45 йиллик тажрибага эга бўлган Собир Ҳолматов, Неъмат Аҳмедов, Зоҳида Содиқова, Шуҳрат Одилов, Тўлқин Иброҳимов каби фидойилар амалий фаолиятлари билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашмоқда.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Техника, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитларнинг нархи қимматлашиб кетганлиги қўшимча қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Шу боис хўжалик деҳқонлари маҳаллий ўғитга зўр беришмоқда. Мавжуд техника, ички имкониятлар ҳисобига таъмирланиб, улар асраб-авайланмоқда. Аввалларн сабзавот ҳосилини йиғиштиришга деярли барча бригадаларда бир вақтда киришиларди. Натижада транспорт воситалари етишмай, баъзи ерлардаги неъматлар дала бошида икки-уч кунлаб қолиб кетарди. Шу боис сифат кўнгилдагидек бўлмасди. Энди бундай камчиликларга тамоман барҳам берилган.

«Ҳасанбой» жамоа хўжалиги боғбону соҳибкорлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг икки йиллиги шарафига зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. Улар садоқати эл дастурхонига тортиқ этилаётган мўл-кўл ноз-неъматларда, хайрли ташаббусларда, кенг кўламли бунёдкорлик ишларида ўз ифодасини топмоқда.

Раҳимжон ОРИПОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ЗАФАР ҚУЧИШДИ

Ғалла — ризқ-рўзимиз. Катта меҳнат эвазига етиштирилган эл насибасини нест-нобуд қилмай қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиш фидокорларнинг шарафли бурчидир. Буни дилдан ҳис этган Наманган вилояти деҳқонлари уюшқоқлик билан меҳнат қилиб давлатга ғалла топшириш режасини бажардилар.

Омборларга 26 минг 55 тоннадан знёд сара дон тўкилди. Ҳосилдорлик гектарига 34,8 центнерни ташкил этди. Ҳосилни қисқа муддатда йиғиб олишда Задарё, Тўрақўрғон, Наманган, Чортоқ ва Учқўрғон туманлари мириштарлари намуна бўлдилар.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ЯШИЛ МАРЖОН

Асад — экинларни ҳосил билан ясантирадиган ой. Жалолқудуқ районидаги «Пахтакор» жамоа хўжалиги мириштарлари буни яхши билишади. Шунинг учун ҳам ҳосил тўплаш ойининг ҳар бир кунидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Хўжаликнинг Абдуманнов Иминов етакчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари ғўза қатор ораларига ишлов беришни қизғин олиб боришмоқда.

Мавжуд 78 гектар майдондаги ғўзалар баравж. Иккинчи озиқлантириш тугалланди. Суғориш асосан тунда бажарилмоқда. Чунки ҳарорат ҳаддан зиёд кўтарилиб кетган шу кунларда экинга салқинда сув тарашнинг аҳамияти катта. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган сувчилар — Абдуллажон Бозорбоев, Бурҳонбой Мавлонов, Рўзиохун Тожибоевлар тунги суғориш билан машғул.

Бригада механизаторларининг масъулияти эса икки-уч баробар ошган. Ёнилғи ва мойлаш материалларининг танқислиги, ғўзаларни ҳосилга кирғани янада ҳушёр ва сезгир ишлашни тақозо этмоқда. Тўлқинбой Қаюмов, Набижон Исоқов сингари механизаторлар мана шундай шароитда ҳам 4—5 гектар майдондаги ғўзаларга сифатли ишлов бериб, озиқлантиришмоқда.

Бригада аъзоларининг кўзлаган марраси анча баланд. Улар ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил кўтариб, ялпи хирмонни 234 тоннага етказмоқчи эдилар. Ғўзанинг бугунги ривожини кўриб бу кўрсаткични 250 тоннага етказишга аҳд қилишди.

Ғўза қийғос шоналади. Дастлаб чигит экилган майдонлардаги ниҳоллар эса бирин-кетин гуллай бошлади. Ҳозир ҳар туп ғўзада ўртача 7—8 тадан шона, 2—3 тадан гул бор. Қувончлиси шундаки, Абдуманнов Иминов даласида 1993 йил ҳосилининг илк кўсаклари кўринди. Бу бутун жамоа аъзоларини руҳлантириб юборди. Ҳар жой-ҳар жойда кўзга ташланган ҳосил тугуни кун сайин кўпайиб бормоқда. Шу кунларда ҳар туп ғўзада 1—2 тадан соғлом кўсак санаш мумкин.

Ғўза пайкалларига боқиб одамнинг дили яшнаб, яйраб кетади. Ям-яшил марҳонларни эслатади шохларга тартиб билан терилиб бораётган кўсаклар. Бу янги пахта хирмонининг юксак бўлишидан нишона.

Х. СОДИҚОВА.

ОРОЛ МУАММОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Оролни она денгиз деб билган мамлакатлар аҳли уни қутқариб қолиш йўлида тинмай ҳаракат қилмоқда. Бирлашган ўзар, дейди машойиҳлар. 13 июль куни Тошкентда Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари раҳбарларининг келишувига биноан тузилган Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш ўз ишини бошлади.

Кенгашнинг ташкилий мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида ўтди. Кун тартибига қўйилган Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш низоми лойиҳаси, ушбу кенгашнинг ижроия қўмитасини тузиш тўғрисидаги масалалар юзасидан давлатлар вакиллари ва махсус экспертлар ўзаро фикрлашдилар.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаларининг Орол ва Орол денгизи ҳавзаси муаммосини ҳал этиш бўйича концепцияси айрим ўзгаришлар билан маъқулланди. Бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

Кенгашнинг халқаро Оролни қутқариш фонди бошқаруви билан қўшма мажлисини шу йилнинг август ойида Нукус шаҳрида ўтказиш белгиланди. Олий даражада ўтадиган бу анжуманда Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг икки йиллиги олдидан

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» СЎРОВИ

1. МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ ҲАҚИДА ФИКРИНГИЗ?
2. СИЗНИНГЧА, ЎТГАН ДАВР ИЧИДА ИСТИҚЛОЛ ЎЗБЕКИСТОНГА НИМА БЕРДИ?
3. МАМЛАКАТДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ТЕЗРОҚ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАРИНГИЗ.
4. ОЗОД ЮРТИМИЗ БУЮК ДАВЛАТ, ХАЛҚИМИЗ ТЎҚ ВА БАДАВЛАТ БЎЛИШИГА ҚАНДАЙ ҲИССА ҚЎШАЯПСИЗ?

ИНСОН БАРКАМОЛЛИГИ ЙЎЛИДА



Комил ЮСУПОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректори.

1. Аввало Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг икки йиллиги тўйи арафасида бу сўров ташкил этилиб, бағоят хайрли ишга қўл урилди. Буни фақат қутламоқ керак. Энди саволларга келсак, уларга баҳоли қудрат бажону дил жавоб беришга ҳаракат қиламан. Негаки, мустақил Ўзбекистонимизнинг икки йиллик Истиқлол байрами — баъзилар ўйлаганчалик одий айёмлардан бири эмас. Бу — қалбларимизда миллий ифтихор туйғуларини жунбушга келтирадиган улуғ айём! Небахтки, биз шундай улуғ кунларга етиб келдик.

Келинг, анъанавий тартибдан бироз бўлса-да, чекинайлик-да, суҳбатимизни деҳқончасига давом эттирайлик. Хўш, мустақиллик одимлари ҳақида фикримни баён этадиган бўлсам, бу одим илк — тетапоя қадамиданоқ —ўктам ва залворли. Фикримни ишонч билан айтишимнинг боиси бор. Бирламчи — ана ўша ўктам ва залворли одимлар сафининг бошида аввало элимиз, яъни ўзбек халқи турибди. Иккиламчи — мустақил давлатимизнинг келажакни олдиндан кўра биладиган юртбошиси, ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ана шу улуғ карвоннинг бошида. Бу —бизнинг бахтимиз, саодатимиз.

Маънавияти юксак халқнинг Истиқлоли ҳам, Мустақиллик сари одими ҳам юксак бўлади. Буни тарих ўзининг нене синовларида исботлаган. Эндигина икки ёшга тўлаётган мустақиллигимиз шу ўтган қисқа давр ичида оламшумул воқеалар билан сайқал топди, қаддини бир мунча ростлаб олди. Ҳаммага беш қўлдай аён далил ва рақамларни такрорламоқчи эмасман. Фахр билан Мустақил Ўзбекистонимизни бугунги кунда бутун дунё мамлакатлари биринкетин тан олаётганликларини мухтасар айтиб қўймоқчиман, холос.

Президентимиз Ислом Каримов нуфузли йиғинда «Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда «Темур тузуклари»ни ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан», деб алоҳида таъкидлаганида олам-олам маъно бор. Юртбошимизнинг эзгу нияти таъбир жоиз бўлса, куёшдай сарбаланд ва ёрқин: «Ўзбекистон —келажаги буюк давлат». Биз орзу қилган буюк давлатни энди барпо этишга киришдик. Ҳали олдимизда масъулиятли вазифалар турибди. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг китобларида ҳамда қатор нутқларида давлатимиз ва жамиятимиз равнақи йўлида дастурий вазифалар аниқ белгилаб берилган. Ислом Абдуғаниевич янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг, деганида эски тузумнинг қурилаётган янги жамиятимиз учун фойдали томонларини ҳам йўққа чиқармаслигимиз таъкидланади. Бинобарин, Ўзбекистон эндиликда иқтисодий мустақиллик сари дадил одим отмоқда. Бу одим, иншооллоҳ, қутлуғдир.

2. «Истиқлол Ўзбекистонга нима берди?» —мантиқли ва ўринли савол. Истиқлол Ўзбекистонга ҳали кўп нарсалар беришига устивор умиддамиз. У аввало инсонга ҳаводек, сувдек зарур маънавият сарчашмаларини қайтариб берди. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида башарият тақдири билан шаклланган ва камол топган. Яқин ўтмишда бу соҳада қадриятларимиздан анча-мунча узоқлашиб кетган эдик. Бу сир эмас. Бизнинг Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш олийҳогимиз жамоаси — профессор-ўқитувчилари мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай иш олиб бормоқдалар. Маънавий тарғиботчилар камолоти — бизнинг асосий мақсадимиз.

Шуни айтиш керакки, истиқлол — бундан икки йил олдин яхши ният билан ўтқазилган ниҳолга ўхшайди. У эндигина илк нишона— мевасини бермоқда. Унинг тўла ҳосилга кириши учун республикамизнинг ҳар бир фуқароси меҳнатда фидокорлик кўрсатиши керак. Бу ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Бунинг учун эса миллатимизнинг ҳар бир вакилига Темур қудрати, Навоий салоҳияти, Улуғбек нигоҳи, ва... ниҳоят, Президентимиз Ислом Каримов жасорати керак! Шундагина мустақиллик баркамол бўй кўрсатади! Ўзбекистонда бундай имкониятларнинг ҳаммаси бор.

Педагог-олим ва катта жамоанинг раҳбари сифатида шуни айтишим мумкинки, муаллим инсон руҳининг муҳандиси бўлиш билан бирга маънавият сарбони ҳамдир. Зеро, асрлар давомида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган илмий-маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар ўсиб келаётган ёш авлодга ўқитувчи орқали етиб боради. Шунинг учун ҳам профессор - ўқитувчиларимиз маъруза ҳамда амалий машғулотлар жараёнида талабаларни халқ педагогикасининг бой анъаналари, Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга, ахлоқ-одобга доир фикрларини сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Зероки, ўтмишда аждодларимиз орасидан етишиб чиққан буюк сиймоларнинг илмий-маърифий меросигина эмас, турмуш тарзи, ҳаёт йўли ҳам катта тарбиявий аҳамиятга молик. Масалан, Табарий етти яшарлигида Қуръонни тўла ёд олди, саккиз яшарлигида Пайғамбаримиз ҳадисларини тўплади. Ўн тўрт ёшида машҳур тилшунос ва тарихчи олимлар баҳсида қатнашиб, ўз иқтидорини намойиш этди. Маҳмуд Қошғарий билим эгаллаш — аждодлар маънавий бойлигини ўрганиш учун Болоосундан Каспий соҳилларигача бўлган юртларни кезиб чиқди, Замахшарий бир оёғи ногирон бўлишига қарамай Ажаму Араб юртларида юриб, мадрасани хатм этди, етук муаллимлардан сабоқ олди, Беруний бир вақтнинг ўзида уч муаллимдан қадимги юнон, араб тиллари ва ҳинд ҳисоби илмини ўрганди, Ҳиндистонни сайр этди, ўн икки яшар Ҳожи Юсуф Ҳайатий ҳожиларга эргашиб Арабистонга борди ва мадраса таҳсилидан сўнг етти йил Қоҳира дорилфунунида сабоқ берди. Улардаги илмга интилиш, касбга меҳр, замон дардига даво излаш йўлидаги сабот ва матонат, меҳнатсеварлик мустақил Ўзбекистонимиз ёш авлоди учун ҳам бугунги кунда ибратлидир.

Институтимизда муаллим ва талабалар билан бой маънавий меросимизни баҳамжиҳат ўрганишга йўналтирилган «Шарқ мутафаккирлари ижодида таълим-тарбия муаммолари»га доир доимий амал қиладиган семинар фаолият кўрсатаяпти. Унда жумҳуриятимизнинг атоқли тилшунос, адабиётшунос, тарихчи, файласуф, риёзиётшунос, шарқшунос олимлари ўз маърузалари билан қатнашмоқдалар. Бизда бундай хайрли ишлар кўлами кенг ва тобора чуқурлаштирилиб борилмоқда.

3. Президентимиз «Маънавият йўқ жойда — тараққиёт йўқ» деб таъкидлаганида мутлоқ ҳаққоний фикрни илгари сурди. «Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда баркарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди». Ватанга муҳаббат ҳам аслида маънавий комиллик билан чамбарчас боғлиқ. Маънавий комил кишигина эрк қадрини, эл қадрини теран англайди ва айни пайтда, бунинг бошқалар томонидан тўла идрок этилиши учун ҳам имкон яратади.

Ўз-ўзидан фикримизнинг мантиқи маънавият даргоҳлари — олий ўқув юртларига келиб тақалди. Институтимиз тарихи ва бугуни ҳақида шуларни айтиш мумкин: Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти 1935 йилда ташкил этилди. Бу ерда 12 та факультет, 77 кафедра мавжуд бўлиб, унда 1120 нафар профессор-ўқитувчи ишламоқда. Институтимизда 22 та ихтисослик бўйича ўқитувчи мутахассислар тайёрланади. Чунончи тарих, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси, кимё, физика, мусиқа, олигрофрено-педагогика, бошланғич таълим услубияти, бадиий графика, меҳнат ва бошқалар. Бу йилдан турк тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилмоқда.

Ҳозир барча олий ўқув юртлари қатори бизнинг институтимизда ҳам қизғин палла. Зеро, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун мустақил фикрловчи мутахассислар тайёрлаш истиқлол шарофати туфайли долзарб вазифа қилиб қўйилган экан, биз қабулдаги энг олий ва оддий мезон абитуриентнинг билими ҳамда иқтидори деб биламиз. Аҳил жамоамизнинг бугунги бутун саъй-ҳаракати, фаолияти ана шу мақсадга тўла йўнатирилган.

Дарвоқе, абитуриентларимизнинг асосий қисмини қишлоқлардан келаётган ёшлар ташкил этади. Билими пухта, ижодий тафаккури бор, яъни иқтидор эгалари, ҳеч шубҳасиз, талаба бўлади. Чунки ҳар бир ёш иқтидор бизнинг бойлигимиз, порлоқ келажагимиз шундай ёшлар билан устивордир. Институтимизда бултурдан бошлаб жорий этилган тест синовлари бу йил такомиллаштирилган ҳолда давом эттирилади. Шуни айтиш жоизки, ўқитувчилар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида, жумладан бизнинг институтимизда тегишли фанларга мос мутахассисликлар бўйича қабулнинг биринчи имтиҳони кўп балли система, қолган имтиҳонларни тест синови асосида ўтказилса, натижа ёмон бўлмайди, деб ўйлайман. Яна бир таъкидга молик жойи шундаки, ўқиш қозоқ тилида олиб бориладиган фанлардан олийгоҳимизга киришда тест синови бўйича имтиҳон олинмайди. Анъанавий имтиҳон олиш усулларидан воз кечилган. Унинг ўрнига кўп балли баҳолаш тизими жорий этилган. Қабулдаги бундай янги усул— тест ҳам истиқлол берган мевадир.

4. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширмай туриб мустақиллигимизни мустаҳкамлаш мумкин эмас. Юртбошимиз мамлакатимизнинг фаровонлигини ва истиқболини кўзлаб, катта салоҳият, ташаббус, тадбикорлик билан хайрли ишларга бош-қош бўлмоқда. Ўтказилаётган ислоҳотлар эса республикамиз фуқароларининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидойилигини намоён этишда уларга янги-янги имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Ҳозирги пайтда ўзини ватанпарвар деб биладиган ҳар бир инсон ўз истеъдоди, куч ва ғайратини республика мустақиллиги, унинг иқтисодий равнақи, истиқболи учун сафарбар этмоғи лозим. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабатлари, сир эмаски, қийин кечмоқда. Шундай оғир кезда ҳам республикамиз ҳукумати ва шахсан Президентимиз И. А. Каримов халқ таълими тизимини бир дақиқа ҳам эътибордан четда қолдираётгани йўқ. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам айни муддао бўлди. Табиийки, бу қонун талабларини ҳаётга муваффақиятли жорий этишда олий ўқув юртлари жамоасининг ҳар бир аъзоси зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бугуннинг талаби айнан шундай. Негаки, шу таълим-тарбияни юқори поғонага кўтариб, жамиятнинг эртаси ҳақида ўйлаш келажакка ишонч, демакдир. Институтимиз жамоаси шу муҳим жараённинг фаол иштирокчиси бўлишни олий вазифа деб билади.

Мавзу ислоҳотлар томон бурилган экан, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида сидқидилдан меҳнат қилаётган ҳамюртларимизни унутишга ҳаққимиз йўқ. Улар ризқимизни бутун, дастурхонимизни тўкин, рўзғоримизни нозу неъматларга сероб қилиш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Қишлоқ хўжалиги ходимларини, хусусан деҳқону чорвадорларни, соҳибкору боғбонларни, сабзавоткор ва ғаллакорларни иқтисодий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида республика ҳукумати ва Президентимиз И. А. Каримов ташаббуси билан бир талай дастурий ҳужжатлар қабул қилинди. Деҳқонларга, фермерларга ва умуман, қишлоқ меҳнаткашларига қатор имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётганлиги — нур устига аъло нур десак янглишмаймиз.

Аслида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси — деҳқон. Тантилик ва жўмардлик эса ана шу меҳнат соҳибига хос. Халқимизнинг шундай меҳнатсеварлиги устивор экан, қишлоқ хўжалиги жадал ривожланиш йўлидан бораверади. Қувониш, керакки, ҳозирги дастлабки қадамлар залворли.

Саломат бўлсак, озод юртимиз, муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов рисоласидан келиб чиқиб айтганда, келажаги буюк давлат Ўзбекистонга ҳали кўп хизмат қилиш ниятим бор. Истиқлолимизга қўлдан келганча хизмат қилишдан ҳам буюкроқ бахт борми?! Иншооллоҳ, халқимиз янада тўқ ва бадавлат бўлаверсин!

ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯНОМАЛАР

Бу йилги баҳор қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашида қатор қийинчиликларни туғдирди. Ёғингарчиликнинг кўп бўлиши, чигитни ўз вақтида экиш ва ниҳолларнинг соғлом униб ўсишига имкон бермади. Айрим майдонларда чигитни икки-уч маротаба бузиб экишга тўғри келди.

Лекин ёз фаслининг биринчи ойидан бошлаб ҳаво ҳарорати кўтарилди. Етишмаётган фойдали ҳарорат йиғиндиси ғўза ва бошқа экинларнинг мўътадил ривожланишига омил бўлди. Шу кунга қадар асосий майдонлар бегона ўтдан тозаланди, биринчи ва иккинчи озиқлантириш ва суғориш тугалланди. Барча вилоятларда гуллар кўринди, жанубий вилоятларда эса 1—2 тадан кўсак пайдо бўлди, умуман ғўзанинг ривожланиши асосий майдонларда қаноатланарли даражада.

Ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши ғўза ривожланишига ижобий таъсир қилибгина қолмай, шу билан бирга зараркунандаларнинг ривожланиши ва кўпайишини тезлатди.

Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ва ўсимликларни ҳимоя қилиш илмгоҳи томонидан тайёрланган башоратномада илгари хабар қилинганидек, ўтган йили ўргимчаккана билан қаттиқ зарарланган майдонларда унинг ўчоқлари топилди, кўсак қуртининг эса, иккинчи авлоди капалакларининг учиши кузатилмоқда.

Бу хавфли ҳашарот тўғрисида қуйидагиларни маълум қилмоқчимиз. Май ойида ўргимчаккана бир авлодининг ўтиши 20—22 кун давом этган бўлса, июль ойида бунинг учун ҳароратнинг ўта иссиқ бўлиши сабабли 8—10 кун керак бўлади холос, ёки унинг кўпайиши ва тарқалиши 2—2,5 баробар тезлашади.

Ўргимчакканани ғўза пайкалларида кўпайишига йўл қўймаслик учун аввало ҳар бир хўжаликда дала назоратчилари ишини тўғри йўлга қўйишимиз, улар берадиган маълумотлар асосида кураш чораларини тезлик билан амалга оширишимиз лозим. Энг муҳими, бу ҳашаротнинг кўп миқдорда тухумлаб кетишига йўл қўймаслигимиз зарур. Ўргимчаккана пайдо бўлган ўчоқларни ўз вақтида аниқлаб йўқотиш унга қарши курашнинг асоси эканлигини барча мутахассислар яхши билишади. Шунингдек, ўргимчакканага қарши курашда агротехника, суғориш ишларини тўғри йўлга қўйиш ғоят муҳимдир.

Аввало ўргимчакканани тарқалиш хавфи бўлган пайкаллар атрофини, зараркунанда тушган уяларни, жойларни олтингугурт билан чанглатиб, уни тарқалиб кетишига йўл қўймаслик даркор. Кейинчалик ўргимчаккана кенг тарқалган далалар аниқланса, олтингугуртни оҳакли қайнатмаси, Омайт, Неорон каби акарицидларни ўз вақтида пуркаш тавсия этилади.

Ҳосилнинг яна бир ашаддий душмани кўсак қуртидир. Унинг биринчи авлоди асосан июнда бегона ўтлар, сабзавот ва маккажўхори экинларида ривожланиб пахтазорларда деярли сезилмайди. Иккинчи ва учинчи авлоди эса июль ва август ойи давомида, айниқса, ривожланиши кечиккан майдонларда кенг тарқалиши кутилмоқда. Эндиги вазифа — зараркунанданинг бирорта шона, гул ва кўсакни нобуд қилишига йўл қўймасликдан иборат.

Ҳашаротни ўз вақтида аниқлаш учун феромон тутқичлардан фойдаланиш, унинг ривожланишини белгилаб, самарали кураш чораларини қўллаш керак.

Кўсак қурти капалаги тухум қўя бошлаган пайтда унга қарши трихограмма қўйиш яхши самара беради. Бу тадбир 4—5 кун оралатиб қайтарилиши лозим. Трихограмма дастлаб гектар бошига 0,75 грамм, иккинчи маротаба 1 грамм, учинчи маротаба 0,75 грамм тарқатилади.

Агар пахта далаларида ғўза тунламининг кичик ёшдаги қуртлари аниқланса, у ҳолда дендробациллин, битоксибациллин ва лепидоцид каби микробиологик препаратлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу зараркунанданинг ўрта ва катта ёшдаги қуртларига қарши бракон қўлланса яхши натижа беради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили айрим хўжаликларда кўсак қуртига қарши фақат биологик усул билан курашилганлиги туфайли анчагина ҳосил йўқотилди. Бу йил кушандага қарши курашда фақат биологик усул билан кифояланмасдан гектарига 0,4 литр талстар, 0,4—0,5 литр децис, 0,5 литр каратэ, 0,5 литр цимбуш каби пиретроид препаратлардан фойдаланиш керак.

1989—1990 йилларда Хоразм, Бухоро ва Қорақалпоғистонда оққанот ҳашароти деҳқонларимизни анча ташвишга солган эди. Ўз вақтида ўтказилган илмий изланишлар натижасида берилган тавсиялар, тадбир-чоралар туфайли бу заруркунанданинг зиёни кескин камайган бўлсада, оққанот бундан кейин ҳам диққат-эътиборимизда бўлиши керак.

Маълумотларга қараганда Хоразмда бу зараркунанда қисман ғўза ниҳоллари ва бошқа экинларда пайдо бўла бошлаган. Оққанотнинг сони ортиб бораётган пайкалларга (табиий кушандалар сони кам бўлса) бирорта синтетик пиретроидларни (цимбуш, талстар, сумицидин) фосфорли дорилар билан алмаштириб ишлов бериш даркор.

Ғўзанинг касалликларга чидамлилигини ошириш учун вилт билан зарарланган далалардаги экин қатор ораларига ишлов беришда культиватор пичоқларини ўсимлик илдизларини шикастлантирмайдиган қилиб ўрнатиш, сувдан чиққан ерларда культивацияни кечиктирмасдан бажариш муҳимдир. Бу тадбир вилтнинг ўсимлик танасига киришини кескин камайтиради.

Шунингдек, далага минерал ўғит беришни тезроқ тугатиш, қўллатмасдан суғориш, ўқ ариқлар оралиғини яқин олиш ҳам ғўзанинг вилт билан касалланишини камайтиради.

Айни кунларда республикамиз далаларидаги ғўзаларда ҳосил нишоналари тобора кўпаймоқда. Аммо бор ҳосилни сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун июль-август ойларида асосий эътиборни ҳосил ҳимоясига қаратишимиз ва бунинг учун барча имкониятларимизни ишга солишимиз керак.

Юқорида айтилган тавсиялар ўз вақтида ва сифатли ўтказилса, бу йилги ҳосилни нобуд бўлишининг олдини олган бўламиз.

Тавсиялар республика ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва Пахтачилик илмгоҳлари томонидан тайёрланган.







ОЗУҚАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Шу кунларда кўпгина хўжаликларда чорва қишловига ем-хашак тайёрлаш ишлари жадал суратларда олиб борилаётир. Ўрим агрегатлари ҳамда пресслайдиган барча турдаги механизмларни бошқарадиган ҳайдовчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Бир томонда механизатор Хуррам Жабборов «КПС-5» маркали ўрим комбайнини ишлатаётган бўлса, Бўрон Панжиев қуриган бедаларни пешма-пеш прессламоқда. Ишчилардан Махтумқули Норматов, Шароф Умбаров, Баҳридин Отамуродов, Алимардон Панжиев, Шерали Алимовлар озуқа тўплашда шижоат билан меҳнат қилаяптилар.

Бу ердаги ишлар аниқ режа асосида ташкил этилганлиги кишини қувонтиради. Прессланган беда зудлик билан автомашиналар ёрдамида хўжаликнинг Ўрин Маматов бошчилик қилаётган бўрдоқичилик фермасига ташилмоқда. Шофёрлардан Эркин Ҳайитов билан Ҳомил Жўраевлар кунига 750—800 дона прессни белгиланган жойга ташишмоқда.

Биз ҳикоя қилаётган Нишон районидаги «Нишон» давлат наслчилик хўжалигининг Очил Панжиев раҳбарлик қилаётган бригадасида айни пайтда беданинг иккинчи ўрими давом этмоқда. Биринчи ўримдаёқ 200 тонна озуқа тайёрланди.

Бу йилги мавсумда 1000 тонна жамғариш озуқакорларнинг ягона мақсади. Кўзланганидан ортиқ озуқа етиштиришнинг асосий сабаби экинзорларни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришдир. Экинзорлар ҳар ўримдан сўнг қўй қийи билан озиқлантирилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, натижалар янада самарали бўлиши мумкин эди. Экинларни суғоришда узилишлар бўлаётганлиги озуқакорларни қийнаяпти.

...Ана, ҳайдовчи Эркин Ҳайитов автомашинани пайкал томон елдирмоқда. Бир фурсатда прессланган беда машинага юкланди. Бригадир зарур ҳужжатларни расмийлаштириб, ҳайдовчига тутқазар экан, бугун ҳам иш кўлами кечагидан кам бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи О. Панжиев ва комбайнчи Ҳ. Жабборовлар. 2. Беда ўрими пайти. 3. Озуқа машинага ортилмоқда.

Муаллиф олган суратлар.

ЧИҚИНДИ ВАЛЮТАГА СОТИЛАДИ

Шароф Рашидов номидаги Жизах ип йигириш фабрикаси толанинг ип ишлаб чиқариш учун яроқсиз бўлган чиқиндиларини энди Италия ва Индонезияга сотади. Келгусида тайёр маҳсулот сотишга ўтиш учун корхонада бу хомашёдан фойдаланиш технологиясини ўзлаштириш режаси тузилмоқда.

Ҳозир фабрика Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқа шаҳарларнинг тўқимачилик корхоналарини сифатли ип билан таъминламоқда. Бу ерда ҳар кеча кундузда ингичка толали пахтадан олти тоннагача ип ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада ишловчиларнинг аксарияти 17—30 ёшдаги йигит-қизлардир. Эҳтимол шу боисдан жамоа фабриканинг келажаги ғамини емоқда, унинг иқтисодиётини мустаҳкамлаш имкониятларини изламоқда.

(ЎзА мухбири).

ОЛАМДА НИМА ГАП?

БМТнинг Грузиядаги ваколатхонаси бошлиғи Теодор Старчевичнинг хабар қилишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг режалаштириш гуруҳи яқин кунларда Тбилисига келади. Бу гуруҳ БМТ хавфсизлик Кенгашининг 489-қарори қабул этилганидан кейин Грузияга юборилмоқда. Қарорда Грузия-Абхазия можароси зонасига БМТнинг ҳарбий кузатувчиларини юбориш кўзда тутилган.

«Режалаштириш гуруҳи, — деди Теодор Старчевич, — Ўзаро курашаётган томонлар ўртасида ўт очишни тўхтатишга оид музокара жараёнини бошлаши керак. Бу — БМТнинг ҳарбий кузатувчилар юбориш учун қўйган бирдан-бир шартидир».

* * *

Абхазияда ўт очишни тўхтатиш ҳақида бир битимга келишнинг иложи бўлмади, деди Россия Президентининг шахсий вакили, ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Борис Пастухов Москвада бўлиб ўтган уч томонлама музокаралардан кейин. Абхазлар Грузия қўшинлари олиб чиқиб кетилиши биланоқ парламентни ҳам, бошқа қонуний идораларни ҳам Сухумига ва ўз жойларига қайтариш ҳамда уларга вазифаларини амалга ошириш имконини беришни талаб қилган эдилар. Грузия томони шу талабни кўриб чиқишдан бош тортганидан кейин музокаралар боши берк кўчага кириб қолди, деди у.

* * *

«Гудаута томони Абхазияда ўт очишни тўхтатишга оид музокараларни жўртага барбод этмоқда, Грузия раҳбариятининг тинчликсеварлик ташаббусларини турли сабаблар, шу жумладан уйдирма баҳоналар билан рад этмоқда», — деди уч томонлама музокаралардаги Грузия делегациясининг раҳбари, Грузия давлати бошлиғининг шахсий вакили Сандро Кавсадзе. Менинг делегациям олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан ўт очишни тўхтатиш ҳақида келишиб олишни, аҳдлашувларнинг бажарилиши устидан назорат қилишнинг самарали воситасини ишлаб чиқишни, сўнгра эса қўшинларни ва оғир қуролларни бир-биридан йироқлаштиришга ва ўзаро қисқартиришга киришишни таклиф қилмоқда деди Грузия вакили.

* * *

«Биз Шарқ билан Ғарбнинг Литвада туташадиган манфаатлари мувозанатини сақлашга, айни вақтда йўл танлаб олиш ҳуқуқини сақлаб қолиб, масалаларни мустақил ҳал этиш имкониятини бой бермасликка интиламиз». Литва Президенти Алгирдас Бразаускас РАТА-ТАСС мухбири билан суҳбатда шу гапни айтгач, Литва ташқи сиёсатини энг муҳим негизларини тушунтириб берди.

Қўшнилар билан муносабатларда куч ишлатмаслик ва барқарорлик қоидаси, деди Президент, Литванинг халқаро шартномаларига риоя этиш ва республика ичидаги сиёсий кураш натижаларидан қатъи назар, ташқи сиёсатни ўтказавериш мажбуриятини олишини ҳам билдиради.

* * *

Эстония Европа демократик ҳамжамиятига кириш йўлларини изламоқда. Германия бу йўлни топишда ёрдам беришга тайёр, деди ГФР Президенти Рихард фон Вайцзекер журналистлар билан суҳбат чоғида. Бу ерга расмий ташриф буюрган Германия Президенти Эстония парламентида «Ажнабийлар тўғрисида» қонун қабул қилиниши муносабати билан республикада яшовчи эстон бўлмаган аҳоли вакилларини бирлашишга, жамиятнинг сиёсий турмушига қўшилишга чақирди.

* * *

Ўн саккизинчи Москва халқаро кинофестивалининг энг катта мукофоти францияли режиссёр Иоланда Зоберманнинг «Мен Иван, сен Абрам» фильмига берилди, — деди киноанжуман ҳакамлар ҳайъатининг раиси режиссёр Клод Лелуш.

Бошқа совриндорларнинг номлари ҳам айтилди. Россиялик режиссёр Сергей Овчаровнинг «Барабаниада» фильмига махсус соврин бериладиган бўлди. Корея Республикасининг актери, «Мен яшайвераман» фильмида суратга тушган Ли Дук ва энг яхши эркак ролига аталган совринга, турк артисти Хулия Овсар хоним («Берлиндаги Берлин» фильми) энг яхши аёл ролига аталган совринга сазовор бўлди.



ЧОРВАЧИЛИК:
КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС ВАЗИФАЛАР

ДУСТЛИК ТУМАНИДАГИ ҚОСИМ РАҲИМОВ НОМЛИ ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДА РЕСПУБЛИКА ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ КУРГАЗМАЛИ СЕМИНАР КЕНГАШИ БУЛИБ УТДИ

Анжуманнинг айнан шу хўжаликда ўтказилиши бежиз эмас. Бу ерда кейинги уч йил ичида чорвачиликда муайян ютуқларга эришилмоқда.

Тармоқни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири —ем-хашак базасини яратишга алоҳида эътибор бериляпти. Моллар доимо тўйимли емиш билан озиқлантирилади. Шу сабабли говмишларнинг сути ортиб, бўрдоқиларнинг этига эт қўшиляпти. Хўжаликда 562 гектар беда майдони мавжуд. Ҳозирги кунгача 1.300 тонна пичан ва дағалхашак ўриб олинди. Айни кунларда беданинг учинчи ўрими охирлаб бормоқда. Тайёрланган пичаннинг 90 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Ҳар қорамолга қишлов учун 22—25 центнер озуқа бирлиги тайёрланиши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу кўрсаткич 10—11 озуқа бирлигини ташкил этади.

— Беда пичани салмоғини гектарига 125—130 центнерга етказишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди хўжалик раҳбари Худойқул Холбеков. — Бундан ташқари йил охиригача минг тонна сенаж, 1.200 тонна силос, 800 тонна лавлаги тайёрланади. Мавжуд 400 бош сигирни чет эл технологияси асосида яйратиб боқиш учун ферма атрофида 40 гектар яйлов ажратилган. Ҳар куни сигирлар шу яйловда боқилади. Бунинг афзаллиги шуки, молларнинг соғлиги яхшиланади, туёқ касаллигининг олди олинади. Модда алмашинуви яхшиланиб, озуқа тез ҳазм бўлади. Натижада сигир сути кўпайиб, маҳсулдорлик ошади. Бундай сигирлардан соғлом бузоқлар туғилиб, улар дуркун ўсади.

Жамоамиз чорвадорлари молларни яхши парваришлашлари натижасида давлатга сут топшириш ярим йиллик режаси ортиғи билан бажарилди. Жами соғиб олинган сут 495 тоннани ташкил этди. Шунинг 446 тоннаси давлатга топширилди. Бу ўтган йилнинг ярим йиллигига қараганда 26 тонна кўпдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хўжаликда наслдор пода яратишга сўнгги икки йилда астойдил киришилган. Говмишларнинг 125 таси кунига 10 килограммдан зиёд сут берувчи маҳсулдор сигирлардир.

Давлатга ярим йиллик гўшт сотиш режаси ҳам аллақачон бажарилган. Режадаги 95 тонна ўрнига 118 тонна гўшт топширилди. Бу ўтган йилги ярим йиллик якунларига қараганда 10 тонна кўпдир. Бўрдоқибоқарлар йил охиригача яна 100 тонна гўшт топширишга бел боғлаб турибдилар.

Хўш, бунга қандай эришилди. Сўқимга боқилаётган молларни фақат кўнгилдагидек семирганда гўштга топширилади. Бу йил қушхонага ўтказилган молларнинг ўртача вазни 410 килограммни ташкил қилди. Даромадга яраша буромад. Тажрибали чорвадорлардан ака-ука Умировлар қарамоғидаги 120 қорамолни яхши парвариш қилганликлари учун июнь ойининг ўзида 64 минг сўмдан маош олишди.

Сигир соғувчилардан Анорхон Ўролова ва Саодат Нарзуллаевалар қарамоғларидаги 56 говмишнинг ҳар биридан кунига 11—12 килограммдан сут соғиб олмоқдалар. Уларнинг ойлик маоши 65 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Хуллас, хўжалик фермасида ишлар намунали ташкил этилган. Семинар қатнашчилари илғорлар фаолияти ҳақида ижобий фикрлар билдиришди.

— Сўнгги йилларда республикамизда чорва маҳсулотлари етиштириш кўпайиш ўрнига камаймоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири **Норбек ҚАЮМОВ** семинарда сўзга чиқиб. Бу моллар зотини яхшилаш, уларни илғор технология асосида парваришлаш, мўлкўл озуқа базаси яратишга эътибор берилмаётганлиги оқибатидир. Лекин шундай хўжаликлар борки, улар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётганлиги туфайли гўшт, сут етиштиришни кўпайтиришга муваффақ бўлишаяпти. Бу борада Қосим Раҳимов номли ширкат хўжалиги чорвадорларининг фаолияти диққатга сазовор.

Республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги шуни назарда тутиб, мазкур хўжалик тажрибасини оммалаштиришни лозим топди.

Бундан ташқари қиш мавсумига етарли ва сифатли озуқа жамғариш ва ундан самарали фойдаланиш тўғрисида ҳам кенгаш қатнашчилари билан фикрлашиб олишни кўзда тутганмиз. Негаки, ўтган йили кўпгина хўжаликларда ем-хашак етарли тайёрланмади. Чорва моллари қишловдан ночор аҳволда чиқди. Натижада маҳсулот етиштириш кескин камайди. Чорвачиликни юксалтиришда наслчиликни мақсадга мувофиқ ташкил этиш катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Республика чорвачилигида ўтказилаётганислоҳотлардан яна бири фермалар, шахсий фермер хўжаликлари ва қишлоқ аҳолисининг чорва молларига зооветеринария хизматини яхшилашдир. Бу ҳақдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Жамоа чорвачилик фермалари, шахсий фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигидаги давлат тасарруфида бўлмаган бошқа тузилмаларга техник ҳамда зооветеринария хизмати кўрсатиш масалалари тўғрисида»ги қарорига асосан қишлоқ хўжалиги Вазирлиги фармойиши билан туманлар ветеринария бўлинмалари ҳузурида малакали мутахассислардан иборат ихтисослаштирилган пуллик зооветеринария хизмати ташкил этила бошланди.

Шулардан биттаси Қосим Раҳимов ширкат хўжалигидадир. Ўйлайманки, вилоятлардан келган ветеринария бўлинмалари бошлиқлари бу хайрли ишни пайсалга солмай, ўзларининг туман ва жамоа хўжаликларида зудлик билан амалга оширадилар. Бу борада Вазирлиқ томонидан уларга амалий ёрдам кўрсатиб турилади. Жамоа фермалари, фермер хўжаликлари ва қишлоқ аҳолисининг чорва молларига ихтисослаштирилган пуллиқ зооветеринария хизматини ташкил этишда бу пунктлар учун солиқ олинмайдиган бинолар ажратиб бериш лозим. «Ўззооветтаъминот» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг вилоят бўлимлари бу пунктларни зарур асбоблар, дори-дармонлар билан биринчи навбатда таъминлашни ўз зиммасига олади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳозир чорвачиликни юксалтиришнинг асоси моллар зотини яхшилашдир. Маълумки, Президентимиз И. Каримов яқинда Голландияга расмий сафар қилди. Бизнинг чорва мутахассисларимиз ҳам шу мамлакатда бўлишиб, фермерлар ва уларнинг иш тажрибалари билан танишиб қайтишди. Таклифимизга биноан Голландиядан келган бир гуруҳ мутахассислар сермаҳсул Голландия сигирларини бизнинг шароитда парваришлаш борасидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Яқин кунларда бу мамлакатдан 200 бош қорамол келтирилади. Бахмал туманида шу молларга мўлжаллаб ферма қурилади. Ҳозир голландиялик мутахассислар жойларни кўриб, ўз лойиҳаларини тайёрлашмоқда.

Лекин ҳозиргача натижалар қониқарли эмас. Маълумки, республика аҳолиси кундан-кунга кўпайиб бораяпти. Шундай бўлгач, сут ва гўшт маҳсулотларига эҳтиёжнинг юқори эканлигини тушуниш қийин эмас. Яширишнинг ҳожати йўқ. Чорвачиликда ҳали шу пайтгача туб ўзгаришлар бўлгани йўқ эди.

Кейинги уч йилда хўжаликларда бу соҳа жуда ҳам сусайиб кетди. Айрим жойларда ҳатто орқага кетди. Фақат ўтган йилнинг ўзида ҳар сигирдан соғилган сут 128 килограммга, давлатга сотилган қорамолнинг ўртача тирик вазни эса 11 килограммга пасайди. Уч йилда қорамоллар сони 125 минг (шу жумладан сигирлар 5 минг), қўй ва эчкилар 225 мингтага камайиб кетди. Натижада гўшт ва сут етиштириш режалари бажарилмади.

Бу йил чорвачиликда бурилиш йили бўлиши керак. Энди амалий ишлаш даври келди. Бунинг учун ишни нимадан бошлаш керак? Аввало, сигирлар сонини кўпайтириш зарур. Ҳар сигирдан йилига биттадан соғлом бузоқ олиб, уни яхши парваришлаш лозим.

Иккинчидан, юқорида айтиб ўтганимдек, наслчилик ишларини яхшилашга эътибор бериш керак. Жуда кўп хўжаликларда илгари сигирлар сони четдан келтирилган наслли ғунажинлар ҳисобига тўлдириб келинарди. Энди сигир етиштириш ферманинг ўзида йўлга қўйилса, айни муддао. Бунинг учун ҳар юз бош сигир ҳисобига 25—30 тадан маҳсулдор ғунажинни парваришлаш керак бўлади. Шундан сўнг икки-уч йилда сигирлар маҳсулдорлиги 2800—3000 килограммга етиши мумкин экан.

Гўшт масаласига келсак, сир эмас, республикамиз аҳолиси истеъмол қилаётган гўштнинг ярми катта харажатлар эвазига чет мамлакатлардан сотиб олинаяпти. Шунинг учун, иложи борича гўштни ўзимизда кўпроқ ишлаб чиқаришимиз зарур. Аввало молларни бўрдоқига боқишни тўла йўлга қўйиш лозим. Гўштни фақат молларни юқори семизликка етказиб топшириш керак. Ҳар бир қорамолнинг вазни 400—450, қўйлар 45—50 килограммга етказилиб сўнгра гўштга топшириш дастлабки галдаги вазифамиздир. Шу пайтгача режани муддатидан олдин бажаришга иштиёқманд хўжалик раҳбарлари бунга амал қилмай келишди, Натижада моллар ортиқча сўйилиб, туёқ сони кескин камайиб кетди. Энди бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг яна бир асосий омили бу — мустаҳкам ем-хашак базасини яратишдир. Кейинги йилларда кўпгина вилоят, туман ва хўжаликларда бу соҳага эътибор сусайтирилди. Ем-хашак экиш режалари бажарилмади. Экин майдонлари қисқартирилди. 1992 йили фақат 870 минг гектардан кўпроқ суғориладиган майдонларда озуқа етиштирилди, холос. Республикамизда суғориладиган ерларнинг танқислигини ҳисобга олиб, бундан буён экин майдонларини кенгайтириш қийин. Озуқа етиштиришни кўпайтиришнинг ягона йўли — ҳосилдорликни кескин оширишдир.

Ҳар гектар майдондан 8—10 тонна озуқа бирлиги олинсагина, мақсадга эришиш мумкин. Бу борада бир неча хўжаликлар аллақачон юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Лекин, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари хўжаликлари ҳали бу масалада анча орқада. Семинар ўзининг самарасини кўрсатади, деган умиддаман. Сабаби озуқа тўғрисида ҳам батафсил кенгашиб, фикрлашиб оламиз ва умуман олганда айтиб ўтганимдек энди қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас. Амалий иш қилиш зарур. Чорвачиликни фаол ривожлантиришда кимдан қанақа фойдали фикр ва таклиф тушса, дарҳол уни амалда қўллаш лозим. Ахир, кенгашганга кенг дунё деб бежиз айтмаган халқимиз.

Шундан сўнг сўзга чиққан нотиқлар кўргазмали семинар таассуротларини ўртоқлашиш билан бирга ўз вилоятлари, туманлари, хўжаликларида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар. Андижон вилояти наслчилик бирлашмаси директори **Араббой ОРЗИЕВ** жумладан шундай деди: — Фикримча, чорвачиликни ривожлантиришга оид бундай амалий учрашувларни имкони борича тез-тез уюштириб туриш лозим. Бу ерда бошқа вилоятлардан келган ҳамкасбларим билан учрашдим. Улар билан суҳбатлашиб, фикр алмашдик. Хўжалик фермасини айланганимизда мақташга арзигулик ишлар қилинганлигининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, бузоқларни алоҳида бўлмаларда ёлғиз парваришлаш усули менга ёқди. Сабаби, бузоқлар соғлом ва дуркун бўлиб ўсмоқда. Санаб чиқсак, бундай «уйчалар» сони 75 та экан. Демак, 75 бузоқ насли, зотдор бўлиб ўсиши учун шароит яратилган. Бузоқларни озиқлантириш усули ва уларга кўрсатилаётган ветеринария хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган.

Андижон вилоятида ҳозирги кунда 210 та сунъий қочириш шоҳобчалари ишлаб турибди. Ўтган йили ҳар 100 бош сигирдан 86 бошдан бузоқ олинди. «Қўрғонтепа» ва «Савай» давлат хўжалигида ҳар йили биринчи бор туққан 150 тагача ёш говмишлар наслчилик фермаларига сотилмоқда. Лекин ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Чорвачиликни фаол ривожлантирадиган бўлсак, сигирларни сунъий қочиришда зотдор буқаларнинг уруғидан ҳеч иккиланмай фойдаланишимиз керак. Ўйлайманки, иложи борича наслни яхшилаш учун хорижий давлатлар: Голландия, Австрия, Италия каби чорвачилиги юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг зотдор буқалари уруғини келтириб сигирларни урчитиш лозим. Бунга албатта оз маблағ кетмайди. Лекин бир-икки марта насл олингандан сўнг бу харажатлар албатта ўзини қоплайди ва фойда келтиради. Энг муҳими, молларнинг зоти яхшиланиб, сермаҳсул бўлади.

Навоий вилояти агросаноат бирлашмаси ветеринария бошқармаси бошлиғи **Искандар ЖЎРАЕВ** ўз сўзида фермада зооветеринария-санитария хизмати яхши йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаб қуйидагиларни қайд қилди:

— Ёш бузоқлар парвариши, қишлов учун беда, пичан тайёрлаш жараёнларининг амалий кўрсатилиши менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, соғин сигирлар учун ажратилган яйлов — ферма атрофидаги 40 гектарча бедапоя айни муддаодир. Сабаби, беда озуқаси сигирларни қисир қолишдан сақлайди. Бундан ташқари ҳаракатда бўлиб озиқланган сигирлар муқим туриб озиқланган сигирларга қараганда кўпроқ сут беради.

Бу ерда аҳолига пулли ветеринария хизмати кўрсатиш ҳам йўлга қўйилибди. Лекин, ўтган ойда аҳолига бор-йўғи тўрт ярим минг сўмлик хизмат кўрсатилибди. Бу албатта жуда оз. Иложи борича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш зарур.

Маълумки, моллар ҳўл бедани кўпроқ истеъмол қилса, шишиб кетади. Илгари ветврачлар камлиги, борлари ҳам шахсий мол эгаларига хизмат кўрсатмасликлари сабабли кўпинча шишган моллар сўйиб юборилар эди. Энди эса бундай ҳолларга барҳам берилди.

Наслчиликни яхшилашда вазирлик мутахассис олимлари жуда тўғри, аниқ ва равшан далиллар билан сунъий қочиришнинг афзаллигини гапириб беришди. Семинарда бошқа вилоятлардаги ҳамкасб ўртоқлар билан учрашдик. Суҳбатлашиб, фикр алмашдик. Чорвачиликни ривожлантириш ва уни мустаҳкамлаш барчамизнинг ишимиз. Ваҳоланки, ейиш-ичишимиз барчаси чорвага боғлиқ экан, ҳар бир қишлоқда яшовчи кимса ўзини бу вазифадан четга олиб турмаслиги лозим.

Жиззах вилояти ҳокимининг қишлоқ хўжалик ишлари бўйича муовини **Илҳом УМУРЗОҚОВ** ўз сўзида вилоят чорвадорлари олиб бораётган ишлар, тармоқни юксалтириш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга тўхталди.

— Республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги нишонланадиган ушбу йилда вилоят чорвадорлари давлатга 23,1 минг тонна гўшт, 42 минг тонна сут етказиб беришни режалаштиришган, — деди у. — Вилоятда 87 та қорамолчилик фермаси, 694 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Лекин, чорвачиликни ривожлантиришда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Мавжуд фермер хўжаликлари, фермалар иши қониқарсиз даражада. Гўшт ва сут ишлаб чиқариш аҳоли эҳтиёжини қондирмаяпти. Сифатли озуқа жамғариш ва уни сақлаш борасида камчиликлар талайгина.

Шунинг учун иложи борича вилоятимизда чорвачиликнинг энг илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш йўлларини қидиряпмиз. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Хорижий мамлакатлар чорвадор-фермерлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва улардан қимматли маслаҳатларни олиб туриш ва бу билан ҳал бўлмаётган кўпгина муаммоларни жойида ҳал этиш арафасида турибмиз. Яқинда вилоятдаги 40 та кам маҳсулдор бўлган қорамолчилик фермалари жамоа фермаларига шахсий мулк қилиб берилди. Бу ислоҳот ҳозирнинг ўзида дастлабки натижаларни кўрсатмоқда. Хўжалик фермаларига ва хусусий фермерларга, аҳолининг чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш шоҳобчалари ташкил этилди.

Кўргазмали семинар қатнашчилари чорвачиликни ривожлантириш, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш бўйича фикр алмашдилар. Илғор тажрибани ўргандилар. Қилинаётган ибратли ишларни кенг ёйиш чора-тадбирлари белгиланди.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазири Норбек Қаюмов (ўртада) семинар қатнашчилари билан суҳбатда. 2. Хўжалик ветеринария, хизмати шоҳобчаси мудири Ф. Акмалов.
Муаллиф олган суратлар.



Иқтисодиётнинг устивор йўналишлари

КАНОП — ИСТИҚБОЛЛИ ЭКИН

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайган сари уларни ташиш учун зарур бўлган қоп—қанорбоп матоларга бўлган талаб ҳам ортади. Маълумки, бундай матолар каноп толасидан тўқилади. Каноп ўсимлигининг толаси юқори технологик хусусиятга эга эканлиги, пишиқлиги, нам тортмаслиги, туфайли матолар тайёрлашда ундан кенг кўламда фойдаланиш имконини беради.

Каноп толаси ўзининг физикавий-механик тузилиши билан, толанинг чидамлилиги билан бошқа ўсимликларга қараганда ажралиб туради. Каноп ўсимлиги толасидан, қоп-қанорбоп матолардан ташқари, поёндозлар, гиламлар, ип калавалари, брезент, кабел, тортқич (трос) ишлаб чиқарилади. Каноп уруғидан техник мой олинади, у энг олий нав мой бўлиб, самолётсозликда бўёқ олишда ишлатилади. Каноп пўстлоғидан шилиб олингандан кейин қоладиган ва чиқитга чиқарилиб ташланадиган ўзагидан қурилишда шакл бериб ишлатиладиган плиталар, тахталар, мебел, стол, курсилар, сервант, шкафлар ясашни йўлга қўйиш мумкин. Қишлоқ хўжалигида эса минерал ўғит сифатида ишлатилади.

Каноп ўсимлигининг янги йўналишларидан яна бири—пектин, оқсил, қоғоз, картон ҳамда фаоллашган кўмир олишдадир. Олимларимиз яхши билишади, пектин ғоят муҳим модда бўлиб, озиқовқат саноатида ишлатилади. Бизда бу моддани чет элдан валюта ҳисобига сотиб олишади. Ваҳоланки, пектин моддасини олишда канопга тенг келадиган экин йўқ. Бошқа экинлардан бир-бир ярим фоиз пектин моддаси олинса, каноп ўсимлигида бу модда 3—4 фоизни ташил этади. Пектин моддасининг бир тоннаси жаҳон бозорида 2 миллион долларга тенг. Олимларимиз томонидан пектин моддаси олишнинг технологияси ишлаб чиқилган.

Шундай қимматбаҳо техникавий экинни етиштириш аҳволи ҳозир қай даражада? — деган савол туғилади. Афсуки, каноп толасига бўлган эҳтиёжимиз 30—40 фоиз миқдоридагина қондирилмоқда. Холбуки Тошкент вилояти бундан бир неча йил аввал каноп экиш, ундан юқори ҳосил олишда собиқ иттифоқда биринчилардан эди.

Лекин кейинги йилларда турли сабабларга кўра бу экинга бўлган эътибор сусайиб кетди. Каноп экиладиган майдонлар кескин камайди. Канопчиликнинг техникавий жиҳатлари ва уруғчилигига путур етди. Хом ашё камайиб кетганлиги сабабли канопчилик саноати ривожи тўхтаб қолди. Агарда 1970—1987 йиллари Ўзбекистонда каноннинг умумий ер майдони 18,3 минг гектарни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 4,5—5,0 минг гектарга тушиб қолди. 1992 йилга келиб вилоятимиз бўйича бор-йўғи 77 минг тонна каноп ҳосили олинди.

Охирги йилларга келиб каноп уруғини экадиган хўжаликлар камайиб кетди, чунки уларда каноп уруғини янчадиган машина йўқ, охирги модели 1967 йилда чиққан. Ҳозирдан бу масалага жиддий қаралмаса, келаси йил экиладиган каноп майдонларига уруғ етишмайди. 1975—85 йиллари уруғлик каноп экиладиган майдон 1,6—1,8 минг гектарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда, яъни 1993 йили атиги 298 гектар холос. Бу бор-йўғи 118,2 тонна уруғ етиштирилади демакдир.

Агар биз ўлкамизда канопчиликни ривожлантиришга жиддий киришадиган бўлсак, аввало бу экинни ўстиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш жоиз. Канопчиликда ишлаб чиқариш технологиясини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ҳамда иқлим шароитларини ҳисобга олиб, табақалаштирилган ҳолда амалга ошириш керак. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида канопчилик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни ихтисослаштириш, меҳнатни такомиллаштириш, унумдорликни ошириш ҳисобига юқори ҳосил олиш, унинг сифатини яхшилаш йўли билан канопчиликни даромадли соҳага айлантириш мумкин. Ўзбекистон толали экинлар тажриба станцияси олимлари шу йўналишдаги тадқиқотлари натижасида давлат назорат стандартига тўртта янги нав беришди. Шундан биттаси — «Ўзбекистон-2142» нави 1993 йил Тошкент вилоятининг ҳамма каноп майдонларида экилди. Бундан ташқари канопнинг тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, технологик сифати яхши, ташқи муҳит ва ноқулай иқлим шароитларига чидамли, саноатбоп навларини яратиш устида ишлаяпмиз.

Канопчиликни ривожлантиришда асосий муаммолардан яна бири —унинг таннархини арзонлаштиришдан иборатдир. Зеро, каноп хом ашёсининг харид нархи охирги марта 1966 йилда кўриб чиқилган эди. Кўк пояга топшириладиган каноп навини биринчи сорти — 748 сўм, иккинчиси — 612, учинчиси — 412, тўртинчиси — 362 сўм эди, яъни ўша пайтда пахтага қараганда икки баробар кўп бўлган. Ҳозирги вақтда пахтанинг харид нархи 100 минг сўм, каноп нархи 61 минг сўмга тенг. Канопчиликни ривожлантириш учун бир тонна луб нархини пахта сингари ҳозирги талаб даражасига мувофиқ равишда, оширилмаса, экиладиган каноп майдони кундан кунга камайиб бораверади. Уруғ етиштириладиган хўжаликларда ҳам каноп уруғининг нархини икки баробар кўтариш керак.

Афсуски, ҳозир каноп етиштирадиган хўжаликларга эътибор сезилмаяпти. Канопдан келадиган даромад кам, Катта меҳнат ва қийинчиликлар билан етиштирилган каноп ҳосили йиғиб-териб олингач, уни заводга топширишда кўп ҳолларда саргардонлик бўлмоқда. Бунинг устига қабул вақтида 30—40, ҳатто 50 фоиз чегирилиб ташланади.

Канопчилик учун янги ва мукаммал машиналар жуда зарур. Ҳозир ишлатилиб келаётган тола ажратадиган ЛО-ЛО-1 машиналари, КУ-02 комбайнлари, уруғ янчадиган МКФ-5 тоифсидаги комбайнларни такомиллаштириш керак. Охирги нусҳадаги МКФ-6 комбайни 1967 йилда чиққан, ниҳоятда эски. Бунинг устига эҳтиёт қисмлар йўқ. Каноп уруғида учрайдиган зарпечак ва девпечаклардан саралайдиган, ажратадиган мосламалар яратиш жоиз.

Уруғ сара бўлса, ҳосил сифатли бўлади. Ҳар бир хўжалик ўзини ўзи уруғ билан таъминлаш чораларини кўриши керак. Жумҳуриятимизда каноп уруғи етиштириш билан шуғулланишга ихтисослаштирилган махсус хўжаликларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда ўстирилаётган каноп экинининг толаси бошқа чет давлатларда етиштирилаётганидан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Энг муҳими, толанинг ингичкалиги, ипакдек мулойимлиги, ўта пишиқлиги ва яхши йигирилиши билан ажралиб туради. Бинобарин жаҳон бозорида харидоргир бўлишига шубҳа йўқ.

Олиб борилаётган илмий ишлар шуни кўрсатмоқдаки, каноп ўсимлиги таркибида 60 фоизгача целлюлоза бор. Шу боис каноп ўсимлиги чиқиндисидан қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, ҳозир тақчил бўлган қоғоз муаммосини ҳал қилиш истиқболлари пайдо бўлади. Каноп толасини ажратиб олингандан кейин қолган чиқиндиси ёки туффондан қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш мумкин. Республикамизда 1993 йилда экилган 4,7 минг гектар ўрнига каноп етиштириладиган майдонларни камида 15 минг гектар майдонга етказиш керак. Агар биз тадбиркорлик билан иш юритиб, канопчиликни кенг миқёсда ривожлантиришга эришсак, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати янада мустаҳкамланишига шубҳа йўқ.

Э. СОДИҚОВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясига қарашли толали экинлар тажриба станциясининг уруғчилик лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ҚИЗИЛҚУМ НИДОСИ

Бухоро вилоятининг ўндан тўққиз қисми Қизилқум саҳросидан иборат. Экологик муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг тақдири кўп жиҳатдан шу чўл билан боғлиқ.

Давлат ва жамоа хўжаликларида ҳар йили 7 минг тоннагача гўшт етиштирилиб, миллиондан ортиқ қимматбаҳо қоракўл тери олинади.

Шу кунларда Қизилқум саҳросида қандай муаммолар мавжуд? ЎзА мухбири Илҳом Сафар ва Бухоро вилоят давлат ўрмон хўжалиги бошлиғи Юсуф Қурбонов билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.

— Чўлда икки хил манзара кўзга ташланади, — дейди Ю. Қурбонов, — ўрмонзор ерлар серўт ва қалин саксовулзорлардан иборат бўлса, давлат хўжалиги ерларида ихота дарахтлари кесиб ташланган, парранда ва ҳайвонлар шафқатсиз қирилиб кетган. Айниқса «Бухороқоракўл» бирлашмасига қарашли давлат хўжаликлари, «Оролсувқурилиш» тресги ҳамда вилоят «Обиҳаёт» бирлашмасига қарашли ерларда аҳвол ачинарли. Хўжалик раҳбарлари Қизилқум яйловларини асраш учун лойиҳа ва маблағ йўқлигини рўкач қилади. Биз, ўрмончилар яйловлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида давлат хўжаликлари билан шартнома тузишга уриниб кўрдик. Лекин улар турли баҳоналар билан рози бўлмади. Натижада гўшт етиштириш кескин камайиб кетди. Шак-шубҳасиз бу қоракўлчилик равнақига ҳам, давлат хўжаликлари ишчиларининг турмушига ҳам салбий таъсир қиляпти.


— Қизилқум муаммоларини ҳал қилишда мутахассис сифатида қандай таклифларингиз бор?

— Бу ишга давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндошиш пайти келди. Биз илгари Қизилқумда «Бухоронинг биринчи яшил қалқони»ни барпо этишга киришган эдик. Афсуски, давлат ва жамоа хўжаликларининг пала-партиш ер ўзлаштириши, саксовулзорларни кесиб кетиши оқибатида «Яшил қалқон» йўқ бўлиб боряпти. Республика давлат ўрмон хўжалиги қошида Қизилқум чўлини ўзлаштириш бўйича алоҳида бошқарма тузилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вилоят агросаноат ташкилотида тупроқ емирилишига қарши тадбирларни амалга оширувчи бўлимларни қайта тиклаши ҳамда маблағ билан таъминлаш чораларини кўриши лозим, деб ўйлайман.

(ЎзА мухбири).

БУНЁДКОР ҲИССАСИ

Раҳмон Турдиевни «Навоийводстрой» трестига қарашли Конимехдаги 4-механизациялашган кўчма колоннада барча моҳир қурувчи сифатида ҳурмат қилади. Обрў-эътибор қозонган бу қурувчи колоннадаги бунёдкорлик ишларида ўзини кўрсатиб келяпти. Меҳнатсеварлиги, ишчанлиги туфайли кўзга ташланган бу сувоқчи йигит ўзига топшириладиган ишларни тез ва соз бажаришга эришмоқда. Раҳмон Турдиев сув хўжалиги ходимлари учун қўрғонда икки қаватли шинам ва бежирим бинолар барпо этилишига муносиб ҳисса қўшди. Унинг меҳнат самарасидан ҳамма хурсанд.







Пахтачи туманидаги «Ўзбекистон» ташқи иқтисодий алоқалар уюшмасининг Пахтачи—Туркия қўшма корхонасида спорт кийим-кечаклари тикилаётир. Туркиялик дўстларимиз Ҳалил ва Нодирбеклар пахтачилик ёшларга қисқа вақт ичида тикув ускуналари билан ишлашни ўргатишди. Натижада бежирим чарм плашлар, спорт кийимлари ўз харидорини топяпти. Туркияликлар бу ерга терини қайта ишлаш жиҳозларини ҳам келтиришади.

СУРАТЛАРДА: Пахтачи—Туркия қўшма корхонаси директори Тоҳир Тўхтапўлатов (ўртада) ва тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилаётир.

Т. НОРҚУЛОВ олган суратлар.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ «Ҳожатбарор» ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25

БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
УСМОН НОСИР НОМЛИ ТОШКЕНТ МАТБАА ТЕХНИКУМИ

1993-94 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида қуйидаги соҳалар бўйича мутахассислар тайёрланади:

8—9 йиллик маълумот асосида:

1. Босма қолипларини тайёрлаш (ҳарф териш технологияси).
2. Рисола ва муқова ишлаб чиқариш.

10—11 йиллик маълумот асосида:

1. Матбаа машиналарига техникавий хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш.
2. Чоп этиш ишлари.
3. Китоб молшунослиги.
4. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодиёт ва режалаштириш.

Ўқиш муддати 10—11 синф маълумоти билан «Китоб товаршунослиги» ва «Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодиёт ва режалаштириш» соҳалари бўйича 1 йил 10 ой (сиртқи бўлимда 2 йил 5 ой). Қолган соҳалар бўйича 2 йил 6 ой (сиртқи бўлимда 2 йил 9 ой). 8—9 йиллик маълумот билан кундузги бўлимда 2 йил 9 ой.

Аризалар 8—9 синф маълумоти билан 1 июндан 1 августгача, 10—11 синф маълумоти билан 1 июндан 15 августгача қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти ҳақида ҳужжат.
3. 086/У — тиббий маълумотнома.
4. 3х4 см 6 дона сурат.
5. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун).
6. Паспорт (туғилганлик ҳақида гувоҳнома) ва ҳарбий хизматга муносабат тўғрисидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

1. Ўзбек (рус) тилидан ёзма — (диктант).
2. Математика — оғзаки.

Эслатма: «Китоб товаршунослиги» мутахассислиги бўйича ўқишга кирувчилар Математика (оғзаки), ўрнига Тарих (оғзаки) фанидан имтиҳон топширадилар.

Кириш имтиҳонлари ўтказилади:
кундузги бўлимда — 1 августдан 21 августгача,
сиртқи бўлимда — 10 августдан 25 августгача.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш кундузги бўлимда 20 августдан 25 августгача, сиртқи бўлимда 25 августдан 30 августгача ўтказилади.

Техникумда ётоқхона мавжуд.

Техникум манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, 700011, Навоий кўчаси, 30 «а» уй.
Автобуслар: 46, 64, 91. Трамвайлар: 7, 8, 16. Троллейбуслар: 2, 7, 14, 20, 4. «Хадра» ёки «Марказий телеграф» бекати.
Маълумотлар учун телефон: 44-64-54.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

БАЙРАМ МУСИҚАСИ

Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигини байрам қилишга тайёргарлик республика маданият арбобларининг ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш учун яхши омилга айланди. Турмушнинг барча соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришлар уларни янги-янги асарлар яратишга руҳлантирмоқда. Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги байрами халқ маънавий бойлигини тиклашга, умумбашарий қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилиши лозим. Бунда маданият арбобларининг тутган ўрни ва масъулияти жуда каттадир.

Республика бастакорлари мустақилликнинг икки йиллигига янги асарлар туркумини бағишладилар. Ҳаётбахш, ёрқин куйларда давримиз маромни, ёш мустақил давлатнинг олға томон ҳаракати акс этган. Бундай асарлар орасида А. Мансурнинг хор ва даста учун ёзган мадҳияси, М. Тожиевнинг симфонияси, Б. Гиенконинг камер даста ва ғижжак учун концерти, С. Ҳайитбоевнинг қўшиқлари, Р. Абдуллаевнинг романслари ва бошқа асарлар бор.

Бастакорларнинг ушбу янги асарлари байрам кунларида республикамизнинг ҳамма вилоятларида янграйди.

— Бу шонли воқеага ўтган йилги каби қизғин тайёргарлик кўраяпмиз, — дейди республика Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси бошқарувининг масъул котиби Р. Абдуллаев. — Мустақилликнинг икки йиллиги байрами ютуқларимиз кўриги бўлади, унда босиб ўтилган йўлга якун ясалади. Байрамнинг қандай ўтиши кўп жиҳатдан биз бастакорларга боғлиқ. Маданият арбоблари, ижодкор жамоалар тантаналарнинг асосий қатнашчиларидир. Байрамнинг мусиқий қисми қанчалик муваффақиятли бўлса, унда қатнашувчилар кайфияти ҳам шунча яхши бўлади. Ҳозир республика бастакорларининг мустақиллик кунига бағишланган асарлари радио ва телевидение орқали эшиттирилмоқда. Улар республиканинг барча вилоятларида ўтадиган концерт дастурига киритилади.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзА мухбири.

Маънавият илдизлари

САРҲАДСИЗ УММОН

Аллоҳ инсонни ўзининг эрка бандаси, халифаси — яъни, бу дунёдаги ўринбосари қилиб яратган экан, унга жуда кўп иноятлар этган. Масалан, ирода эркинлиги. Инсон ҳайвонликка қараб юрадими ёки олий маънавият сари интиладими — ўзи танлаб олади, биров уни мажбур қилмайди.

Иккинчи бир имконият — илм, дунёни билиш қобилияти. «Қисае ар-Рабғузий»да баён қилинишича, одам яралишида фаришталар Азозилнинг сўзига кириб, Одамни ғийбат қиладилар. Шунда Аллоҳ таоло Одамга «Асмо»илмини ўргатиб, сўнг фаришталарга қатор нарсаларни кўрсатади ва «ушбу нарсаларнинг отини билсангиз айтинг», деб мурожаат қилади. Фаришталар, «биз буларни билмаймиз» деб ожиз қоладилар. Шунда Одамга буйруқ бўлади, у кўрсатилган нарсаларни бирма-бир «бу тош, бу сув, бу дарахт» деб дона-дона айтиб беради. Хитоб келди: «Эй фаришталар, сизларга айтмадимму ман билганни сизлар билмассиз деб. Эмди сизга маълум бўлдиким, Одам олим турур, сиз обидсиз. Менинг ҳазратимда минг обиддан бир олим фозилроқ турур. Қайда обид эрса, олимга хизмат қилмоқ керак. Ул маҳдум бўлсун, сизлар ходим бўлунг. Ул масжид бўлсун, сизлар сожид бўлунг. Одамга сажда қилинг». Демак, инсон улуғлиги унинг дунёни билиш қобилиятида, жисмида эмас.

Аллоҳнинг яна бир инояти — инсон руҳининг боқий дахлдорлигидир. Барча жонзот ўлгач, тупроққа қориша кетади. Инсон танаси ҳам шу жумладан. Аммо инсон руҳи абадиятга дахлдор. Чунки инсонда яратувчилик қобилияти бор. У моддий ва маънавий бойликлар яратади. Шу билан ўзини абадиятга дахлдор этади. Инсон ўзининг жисмоний ўлимини билади. Баъзи калтафаҳм моддиюнчилар унинг жисмоний ўлимини руҳият учун ҳам сўнгги нуқта деб тушунадилар. Ваҳоланки, ушбу талқин инсонни ҳайвон билан тенглаштирувчи уни алоҳида моҳияти сифатида инкор қилувчи бадбин ёндошувдир.

Инсон маънавияти физиологик эҳтиёжлар даражасидаги нарса эмас. Инсон ўз жисмоний ўлимини, бу имтиҳон дунёсига фақат бир марта келишини билиш баробарида руҳининг абадиятга дахлдор эканини ҳам ҳис этар экан, унда маънавий камолот истаги пайдо бўлади. Ана шу имкон — фардий (индивидуал) маънавий камолот имкони инсон учун Аллоҳнинг энг улуғ иноятидир. Ушбу имкон туфайли инсоният ўзгача бир эзгу олам — Маънавият оламини кашф этади ва мангуликка дахлдор бўлади.

Худди шу аснода инсонга берилган уч буюк имкон — ирода эркинлиги, дунёни билиш қобилияти ва яратувчилик ўзаро уйғунликда бирлашади. Зеро, бу бирлашувсиз Маънавият олами зуҳур этмайди.

Маънавият дунёсида яратувчилик учун эрк лозим. Қул ҳам яратади — агар руҳи эркин бўлса.

Қисқаси, инсон шахс бўлмоғи учун мустақил маънавиятга, янада аниқроғи, ўзи учун эркин белгилаб олган мустақил камолот йўлига эга бўлмоғи керак.

Дунёда ҳеч бир инсон ёлғиз ўзи мавжуд эмас. У табиат билан, ўзга инсонлар билан, олий ягона ҳақиқат билан чексиз боғланувчи иплар орқали туташ. Шу сабабли шахс мустақиллиги ва эркинлигини ҳар қандай мутлақлаштириш гумроҳликка олиб борувчи йўлдир.

Ҳар бир инсоннинг табиатда ҳам, жамиятда ҳам ўз муайян ўрни, шунга яраша вазифаси бор. Фақат инсонга уларни танлашда маълум эркинлик берилган. Ирода эркинлиги ана шу ўз йўлини ўзи танлай олиш ва ўз маънавий дунёсини мустақил ярата билиш имконида намоён бўлади.

Албатта, ҳар бир инсоннинг мустақил маънавий дунёси нисбий тушунчадир. У ҳар бир оиланинг ўз яшаш жойи, хонадони ёки қўрғони бўлгани кабидир. Бу қўрғон ичида ҳам ҳамма жойдаги каби ҳаво, сув, инсонлар, емиш ва жиҳозлар мавжуд. Аммо уларнинг жойлашуви, таомнинг тайёрланиши, ўзаро муносабат ва бошқаларда ўзига хослик, бошқа хонадонларга ўхшамаган жойлари бор. Бир хонадонда оддийроқ, одмироқ жиҳозлар кўрсангиз, бошқасида сифатлироқ, ноёброқ ёки ғаройиброқ жиҳозга кўзингиз тушади.

Хонадон, қўрғонлар маҳалла ва мавзеларни, улар катта бир шаҳарни ташкил қилганидек, турли шахслар маънавияти ўзаро уюшиб муайян тоифалар маънавиятини, булар охир бориб миллат маънавий дунёсини ташкил этади.

Миллат маънавияти эса миллат мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Сиёсий мустақиллик, бир томондан, иқтисодий мустақиллик билан, иккинчи томондан, маънавий мустақиллик билан боғлиқ. Иқтисодий мустақилликка эга бўлмаган миллатнинг сиёсий мустақиллиги ҳам омонатдир. Аммо маънавий мустақиллиги бўлмаган миллат аслан миллат бўла олмайди.

Давлат ва миллат тушунчалари бир-бири билан боғлиқ. Буни ҳамма билади. Аммо ҳеч бир давлатда ягона миллат яшамайди. Шу сабабли давлат ва миллатнинг ўзаро боғлиқлиги доимий нисбийдир. Шу нисбийликда давлат мустақиллиги кўпроқ иқтисодий омил билан, миллат мустақиллиги маънавий омил билан тутташдир. Мустақил маънавият миллат мустақиллигини, мустақил иқтисод эса давлат мустақиллигини таъмин этувчи кучдир.

Миллат маънавияти бир кунда, бир йилда, ҳатто бир асрда ҳам тугал яралмайди, тугал йўқ бўлиши ҳам қийин. Агар алоҳида, фавқулодда чоралар кўрилмаса. Шу сабабли сиёсий мустақилликнинг бой берилиши бирданига миллатнинг йўқ бўлишига олиб келмайди. Аммо шундай ҳавф, баъзан ўта жиддий ҳавф туғилиши бегумон. Ўзбек миллати кейинги бир асрдан ошиқ вақт ичида худди шундай жиддий хатар тазйиқида яшади. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, ушбу таҳлика бошимиздан ариди.

Ўзбек маънавияти ниҳоятда теран томирларга эга. Биз кўпинча тил туташлигидан келиб чиқиб, ўзимизни туркий миллат деб атаймиз. Бу— тўғри. Аммо агар биз маънавиятимиз илдизларини фақат турк тилидаги манбалардан қидирсак, ўзимизни ўзимиз ниҳоятда камбағаллаштириб қўйган, кемтик бир меросга даъво қилган бўлур эдик. Бу борада биз буюк аждодларимиздан ибрат олсак арзийди.

Халқимизнинг буюк алломалари ал-Бухорий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий кабилар араб дунёсининг илм марказларида таълим олган, узоқ вақт ўша ерларда араб тилида ижод этишган. Уларни кечагина ғаразли қутқуларга учиб, бирини қозоқ, бирини тожик, бирини ўзбек деб талашиб юрдик. Ваҳоланки, араблар, булар бизнинг алломалар, деб ҳурмат қилса, эроний халқлар ўз маънавиятига эш билса, шу билан бирга барча туркий халқлар ҳам ўзиники деса тўла ҳақлидирлар.

Мозийда ислом маънавияти доимо ягона минтақа маънавияти бўлиб келган, Ҳирот ва Ҳамадон, Бағдод ва Бухоро, Миср ва Қошғар, Булғор ва Хоразм илм ва маданиятда бир-бирларидан айру яшамаганлар. Узоқ Испаниядан Шарқий Туркистонгача, Волга бўйи ўлкаларидан Шимолий Ҳиндистон диёригача турли халқ ва элатлар ягона маънавият оламидан баҳраманд бўлганлар.

Ўзбек миллий маънавияти ҳудудсиз уммонга туташган бир баҳрдир. Хоразмда, туркий салтанат бўлмиш хоразмшоҳлар саройида хизмат қилган Рашиддин Ватвот ўзининг XII асрда ёзилган «Ҳазойиқ ас-сеҳр фи дақоиқ аш-шеър» («Шеърият назокатларининг сеҳрли боғлари) асарида шеърий санъат ҳақида гапириб, аввал Қуръондан ва Расуллоҳ ҳадисларидан, сўнг машҳур араб шоирларидан, шундан кейингина форс шеъриятидан намуналар келтиради. Алишер Навоий эса ўз устоз ва салафлари қаторида Лутфий ва Насимийлар билан бир қаторда Саноий ва Низомий, Саъдий ва Амир Хусрав, Мавлавий ва Аттор, Ҳофиз ва Жомийларни тенг ёд этади. Тасаввуфнинг тариқатлари ҳақида ёзганда туркистонлик яссавия ва нақшбандия билан бир қаторда ҳиндистонлик чиштия тариқати намояндаларини ҳам бирма-бир тилга олиб ўтади, қадим Юнонннинг буюк ҳакимларини Қуръонда қайд этилган пайғамбарлар билан бир китобда йўқлайди. Демак, биз ҳам бошқача йўл тутсак, мақсадга эриша олмаймиз.

Асли башарият маънавий олами турли минтақа маънавиятларининг уйғун ҳамкорлигидан вужудга келар экан, ислом ва насоро дунёси, ҳинд ва хитой маънавияти ўзаро яқинлашувдан фақат ютади. Аммо ягона мафкурасининг истибдоди, ягона тилнинг зўрлик ассосидаги тазйиқи ўрнатилса, у — ёмон. Тақдир экан, собиқ СССР аталган ҳудудда турли халқ зиёлилари бир тилдан фойдаланиб, 70 йил ҳамкорлик қилишган бўлса, бунинг эвазига яралган бойлик ушбу халқларнинг маълум даражада умумий мероси ҳамдир.

Бугун биз буни инкор қилсак, фойда қилмаймиз, фақат тўқ мағизларни пучдан, пуфлаб шиширилган мафкура оқовасидан ажратиб ола билмоқ зарур. Қолаверса, бугун биз билан елкадош турган юртимизнинг ўзга тилли зиёлилари ҳам миллий маънавиятимизга ҳисса қўшишлари табиий, фақат бир меросни иккинчи меросга зид қўймаслик лозим.

Хуллас, ўзбекнинг миллий маънавияти неча минг йиллик тарих ва мураккаб тақдирга эга бўлган, турли халқ ва минтақа маданиятларига эш бўлиб келган гўзал ва ранго-ранг дунё бўлиб, унинг таркибидан нечун буюк шахсларнинг маънавият оламлари жой олган.

Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ,
филология фанлари доктори.

ХЎЖАЛИКЛАР КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТАШКИЛОТ БОЗОР НАРХЛАРИДАН АРЗОН НАРХЛАРДА:

— ЛАК БЎЁҚЛАРИНИ, ҲАР ХИЛ РАНГДАГИ ЭМАЛ БЎЁҚЛАРИНИ;

— МТЗ-80 ТРАКТОРЛАРИ УЧУН Д-240, Д-240Л ДВИГАТЕЛЛАРИНИ СОТАДИ.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Тошкент —700052, Содиқов кўчаси, 9-уй. Тел: 68-73-34, 34-34-09.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 249-мактаб томонидан Муқимов Ботир Мирафзалович номига берилган ўрта маълумот ҳақидаги АЎ № 313230 рақамли йўқолган аттестат **бекор қилинади.**

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА

Аҳоли жамғармаларини Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки муассасаларига жалб этиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 июлдаги 336-сонли қарорига асосан 1993 йил 1 июлдан Жамғарма банки муассасаларида депозит омонатлари жорий қилинди.

Депозит омонатлари камида бир йил ва ундан ортиқ муддатга қўйилади ва улар бўйича йилига 80 фоиз ҳисобидан даромад тўланади. Бу омонат турлари бўйича счётлар 100 минг сўм ва ундан юқори қийматларга очилади.

Депозит омонатлари бўйича қўшимча тўловларни ва қўйилган пулни қисман олиш мумкин эмас. Агарда омонат белгиланган муддатдан илгари олинса, даромад тўланмайди.

Қўшимча маълумотларни Жамғарма банкининг хоҳлаган муассасасидан ҳамда қуйидаги телефонлар орқали сўраб, билиб олишингиз мумкин: 45-35-49; 45-66-43, 33-51-95.

Ўзбекистон Жамғарма банки.

ЕВРОУЗ EVROUZ

ЕВРОУЗ

Ўзбекистон-Германия "ЕВРОУЗ" қўшма корхонаси Россия, МДҲ ва Европа бозорлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олади. Озиқ-овқат маҳсулотлари, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, халқ истеъмоли молларининг айри бошлаш турлари мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар: (3712) 32-75-01, 33-36-03
Факс: (3712) 33-98-93
Манзил: 700029.Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 9-уй, 33-хона.

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Андижон вилояти Марҳамат район Бобур номли колхозининг «Коммуна» посёлкасида Ўзбекистон — Россия —Словакия «Увайсий» қўшма корхонаси ташкил этилди. Куни кеча ушбу қўшма корхона Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилиб, гувоҳнома берилди. Бу ерда чет элдан келтирилган замонавий ускуна ва дастгоҳлар ёрдамида кийим-кечаклар тайёрланади. Корхона жамоаси барча ташкилотларни, шу жумладан савдо шохобчаларини ҳамкорликка даъват этади.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ [бош муҳаррир ўринбосари], С. САЙДАЛИЕВ [бош муҳаррир ўринбосари], О. ЮФУРОВ, [масъул котиб], Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма П—327. 30910 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 19.30

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.